



Бажарувчи ташкилотни танлаб олишучун

## **ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

**Хатирчи -2022**

**Танлов хужжатларининг мазмуни**

- I. Танлов иштирокчилари учун йўрикнома**
- II. Техник қисм**
- III. Нархлар қисми**

## **1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ**

**Танлов предмети: Хатирчи туман йуллардан фойдаланиш унитар корхонасида бажариладиган барча объектларида маҳсус машина ва механизмлар хизмати.**

- 1.1. Танлов охирги киймати **250 000 000 (Икки юз эллик миллион) сум**. Ушбу кийматдан ортиқ киймат кабул килинмайди ва куриб чиқилмайди.
- 1.2. Маҳсулот буйича Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник кисмда илова килинган. Ушбу танлов якунлари буйича голиб чиккан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.
- 1.3. Ишларни бажариш муддати шартнома имзолантан кундан бошлаб 330 календар кун.
- 1.4 Ишларни бошлиш муддати- аванс маблати утказилган кундан бошлаб хисобланади.

## **2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

- 2.1. **“Хатирчи туман йуллардан фойдаланиш унитар корхонаси”** (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлов ташкилотчиси хисобланади.  
“Буюртмачи” манзили: Навоий вилояти Хатирчи тумани Янгирабод шахар А.Яссавий-76
- 2.3. Танлов “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда утказилади.

## **3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

- 3.1. Танловда мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар курсатишга ихтиослашган, камида 5 йил тажрибага эга булган барча юридик макомга эга булган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.
- 3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар куйилади:  
танлов предмета кийматининг камида 20 фоизи микдоридаги айланма маблагларнинг ёки курсатиб утилган маблагларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур булган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги; шартномалар тузиш юзасидан фукаролик-муомала хукукний лаёкат ва ваколатлар, танлов объектига ухшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлигидан кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тугрисидаги маълумотлар; танлов объектида уз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мулжалланаётган хажми (50 фоиздан кам булмаган холда); Низом маблаги микдори.
- 3.3. Агар танлов предмети булган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият конунчилликка биноан лицензиялаштириши зарур булса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофик тегишли лицензияга эга булган талабгорларга рухсат этилади.
- 3.4. Куйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди: кайта ташкил этилиш (ажратилиши, кушилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара килинганлар, хамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошка шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий карамлиги мавжудлар.

## **4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

- 4.1. Иштирокчилар уз таклифларини электрон куринишда ([etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz)) порталига электрон танловлар утказиш учун жойлаштиришли лозим.
- 4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кура узбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.
- 4.3. танлов хужжатларида куйдагилар тақдим этилиши лозим: • Техник кисм, “Буюртмачи” томонидан куйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар курсатилиши керак; • Нархлар кисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, толовлар тартиби ва якуний толовлар ва бошка боғлик курсаткичлар курсатилган булиши керак. Танлов иштирокчилари хар бир таклифларни яхлит холда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган холда ёки хар бир варагини муҳрлаб тасдиқланган холда тақдим этишлари лозим.
- 4.4. Куйидаги хужжатлар тулини булиши талаб этилади: Техник ва нархлар буйича куйидаги таклифлар: • Техник тақлиф. Фирменний бланкада имзоланган, номерланган ва муҳрланган холда; • Техник хужжатлар руйхати (брюнералар, техник паспортлар ёки ухшаш хужжатлар руйхати илова

килинади);

Нархлар таклифи ва нархлар буйича жадвал тулдирилиши ва илова килиниши лозим.

4.5. Танлов иштирокчиси: -факат битта таклиф бериши мумкин; - тақдим этилаётган хужжатларнинг хакикийлиги ва маълумотларнинг хакконийлигига тулик жавобгар булади; - таклифлар бериш муддати тугагунга кадар уз таклифларини кайтариб олиш. еки узгартириш киритиш хукукига эга.

## **5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ**

5.1. Таклифлар муддатини узайтирилиши факат харид комиссияси йигилиши карори асосида амалга оширилади.

5.2. Танлов муддатини узайтириш тугрисидаги карор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

## **6. ТОМОНЛАРНИИГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

6.1. Давлат харидлари тугрисидаги Конун талабларини бузган шахслар конунчиликда белгиланган тартибда жавобгар буладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари буйича конунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниклаш ва асосланган карор кабул килиш буйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хакикийлиги ва тугрилига жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сунг конунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан урнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## **7. БОШҚА ШАРТЛАР**

7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига узгартишлар киритиш тугрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин карор кабул килишга хакли. Товарни (ишини, хизматни) узгартиришга йул куйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига узгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ун кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вактда, агар эълонда курсатилган ахборот узгартирилган булса, танлов утказиш тугрисидаги эълонга узгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари коидаларини танлов утказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сурор юборишга хакли. Сурор келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сурор давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган булса, ушбу сурорга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг коидаларига дойр тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини узгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни куриб чикиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кучирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон килинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни куриб чикиш ва баҳолаш баённомаси эълон килинганидан сунг давлат буюртмачисига танлов натижаларига дойр тушунтиришларни тақдим этиш тугрисида сурор юборишга хакли. Давлат буюртмачиси бундай сурор келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари буйича шартнома танлов хужжатларида ва узи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда курсатилган шартлар асосида тузилади